

МУЛК СУҒУРТА АМАЛИЁТИНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ ХАЛҚАРО ТАЖРИБАСИ

Тошкент давлат иқтисодиёт университети

мустақил изланувчиси

М.Б.Хаттабов

Иқтисодиётни глобаллашув жараёнида суғурта ишлаб чиқариш жараёнини узлуксизлигини таъминловчи ва аҳолининг ижтимоий-иқтисодий манфаатларини ҳимоя қилувчи восита сифатида қаралмоқда. Суғурта бозори жаҳон амалиётида юридик шахсларнинг маблағларини қайта тақсимлаш орқали, инвестициялар манбаи сифатида қаралмоқда. Шунинг таъкидлаб ўтиш жоизки бугунги кунга келиб аҳолининг суғурта бўйича саводхонлиги ортиб бормоқда ва суғурта бозоринг кўлами кенгайиб бормоқда. Халқаро суғурта хизматлари бозорининг умумий айланмаси 2,4 трлн АҚШ долларини ташкил этади.

Ривожланган мамлакатлар суғурта бозори мамлакат ЯИИМда маълум улушга эга. Ушбу кўрсаткич йилдан йилга ортиб бормоқда. Америка қўшма штатлари, Англия ва Японияда бу кўрсаткич 8 фоизни, Швейцарияда 7,5 фоизни, Германия ва Голландияда – тахминан 6 фоизни ташкил этади. АҚШ суғурта бозорини таҳлил қиладиган бўлсак, у бугунги кунга келиб энг ривожланган ва йирик суғурта бозори ҳисобланади. Бундан олдинги бобларда Англия суғурта бозори энг қадимги суғурта бозори эканлигини айтиб ўтган эдик. АҚШ суғурта бозори эса жаҳон суғурта бозорининг 50 фоизини эгаллаб турибди, АҚШ суғурта компанияларинг монополлашув даражаси жуда юқори ва улар деярли жаҳон суғурта бозоринг ярмини бошқариб туради. Замонавий америка суғурта бозорида 8 мингдан ортиқ мулк суғуртаси билан шуғулланаётган ташкилотлар мавжуд.

Хорижий мамлакатлар суғурта бозорининг ўзига хос хусусиятлари мавжуд, улар мамлакатдаги ижтимоий-иқтисодий ривожланиш, аҳолининг

турмуш даражаси ва глобаллашув тизимига кириб бориш даражасига қараб ажралиб туради. Ҳар бир давлат суғурта ташкилотларининг лицензиялаш тартибини, минимал устав капитал суммаси, ташкилий-ҳуқуқий шакли ва назорат шакллари мавжудлигини инобатга олишимиз зарур. Мамалакатда амалга оширилаётган ислоҳотлар таклиф этилаётган суғурта маҳсулотлари кўлами ва сифатига таъсир этади. Хорижий мамлакатларда воситачилик фаолияти ҳам кенг йўлга қўйилган, брокерлар, агентлар сони миллионларни ташкил этади ва улар юқори даромад олувчи касб эгаси ҳисобланадилар. АҚШ суғурта бозорида фақат хусусий компаниялар фаолият юритишади, давлат улуши бор компания, ёки буткул давлат суғурта компанияси мавжуд эмас. 2008 йилдаги жаҳон молиявий-иқтисодий кризисидан кейин давлат улуши бор суғурта компаниялари бирин-кетин хусусийлаштириб юборилди. Замонавий АҚШ суғурта бозорида бугунги кунга келиб, икки турдаги суғурта ташкилотлар фаолият юритади, бу акционерлик жамиятлар ва ўзаро суғурталаш жамиятлари. Барча мамлакатлар сингари ҳозирда АҚШда суғурта ташкилотлар очик акционерлик жамият сифатида фаолият юритадилар, уларнинг акциялари очик фонд бозорида сотилади. Ҳозирда америка аҳолисини фаравонлиги ортиб бориши, яъни уларнинг тўлов қобилияти ортиб бориши суғурта бозорида талаб кўпайишига олиб келмоқда. Табiiй офатлар ва бошқа кутилмаган ҳалокатлар аҳоли суғуртага бўлган қизиқишини кучайтирмоқда. АҚШ аҳолиси биринчи ўринда ўз автомобилларини суғурта қилишлари, уй-жой ва бошқа мулкни суғурталаш динамикасига таъсир этди ва мулкii суғурта турлари ҳажмини кейинги ўринга тушириб қўйди. Аммо унинг АҚШ аҳолиси ва хўжалик юритувчи субъектлари учун мулкii суғурта шартномалари тузиш жуда муҳим ҳисобланади.

Буюк Британия суғурта бозори юқорида айтиб ўтилганидек энг қадимги суғурта бозори ҳисобланади. Англия суғурта бозоридаги суғурта қоидалари барча давлатлар суғурта қоидаларига асос солган. АҚШдан кейин энг йирик суғурта бозорига кирувчи Англия суғурта бозори бир қатор мамлакатлар ва компанияларнинг молиявий оқимларига хизмат қилади.

Англия суғурта бозори жуда ривожланган инфратузилмага эга, англиялик суғурта мутахассислари юқори салоҳиятга эга ва Лондонда Lloyd's of London суғурта бозори, яни Англия суғурта бозори иштирокчиси сифатида таниқли ва аҳамиятли ҳисобланади. Дунёдаги барча йирик суғурта компанияларининг ваколатхоналари ёки филиаллари, йирик халқаро суғурта ва қайта суғурта брокерларининг марказий ваколатхоналари Лондонда жойлашган. Lloyd's of London суғурта бозорида икки турдаги жисмоний ва юридик шахслар фаолият юритадилар. Биринчиси корпоратсия аъзолари ва иккинчиси корпорация аъзоларига суғурта ва қайта суғурталаш шартномалари тузишда кўмак берувчи профессионал иштирокчилар – агентлар ва брокерлар. Охирги маълумотларга қараганда Lloyd's of London суғурта бозорида корпоратсия аъзоларининг сони 1238 та, чексиз жавобгарликка эга 773 та индивидуал аъзолар, 51 агент, 87 синдикат ва 176 та сертификатланган брокерлари мавжуд

Канада суғурта бозорида энг оммалашган суғурта тури бу ёнгиндан суғурта қилиш ҳисобланади. Ёнгиндан суғурта қилишни бир нечта тури мавжуд, булар “фақат ёнгиндан суғуталаш”, “ёнгин ва бошқа рисклардан комплекс суғурталаш” ва “барча рисклардан суғурта қилиш”. Суғурта шартномасини тузишда ўзига хос хусусиятларидан бири бу ёнгиндан суғурта шартномасини тузишда нафақат суғурталанаёиган объектлар rischi балки кўшни биноларга зарар кўрса ўтни ўчириш чораларини инобатга олган riskлар ҳам киради. Суғурта ташкилоти томонидан суғурталанган объектда ёнгинни олдини олиш тадбирларини молиялаштириш ҳам назарда тутилган, бу келажакдаги riskларни ва харажатларни камайтириш имконини беради. Суғурта шартномасини тузишда Канадада суғурта ташкилотлари профессионал ходимлари томонидан ҳар бир суғурталанувчининг психологик тасвири келтирилади. Чунки охириги пайтда Канадада суғурта қоламасини олиш учун мулкни қасддан ёқиб юбориш ҳолатлари тез тез учрамоқда. Шуни инобатга олиб, суғурта ташкилоти субъектнинг ёнгин содир этишга мойиллигини аниқлаб олишади. Суғурта шартномасини тузишда наф олувчининг характеристикаси ўрганиб чиқилади, унинг молиявий ҳолати,

ишга лаёқатлиги, мулкига бўлган муносабати, аввалги йилларда суғурта ҳодисаси сабабчиси бўлганлиги ва шу каби ҳолатлар ўрганилади.

Хорижий мамлакатлар сув тошқинидан суғурта қилиш мулк суғуртасини суғурта қилишнинг асосий турларидан бири эканлиги қайд этилган. Аҳоли ва хўжалик юритувчи субъектлар узларинг мол-мулкани сув тошқини risksидан суғурта қиладилар. Сув тошқини суғуртаси Францияда 1886 катта сув тошқини оқибатидаги йўқотишлар натижасида пайдо бўлган.

Сув тошқини суғурта турига фақат табиий офатдан кўрилган зарар кирмайди, балки сув иншотларининг нозослиги туфайли кўрилган зарар, кондиционерлар ва бошқа техниканинг бузилиши оқибатида сув оқиши riskлари ҳам суғурталанади. Ваҳоланки хорижий мамлакатларни эмас Ўзбекистонни ҳам таҳлил қиладиган бўлсак, носоз қувурлардан оққан сув натижасида йилига миллионлаб зарар кўрилади. Франция суғурта бозори Германия суғурта бозорига ўхшаб икки сегментга ажралади, биринчиси ижтимоий давлат суғуртаси ва ихтиёрий суғурта. Франциянинг деярли 85 фоиз аҳолиси суғурталанаган. Йилига ижтимоий суғурта бўйича суғурта мукофотлари 210 млрд еврини ташкил этади. Тиббий суғурта суғурта фаолиятини асосий қисмини ташкил этади. Мулкый суғурта турлари Францияда ихтиёрий тартибда амалга оширилади.

Умуман олганда мулкый суғурта жаҳон суғурта бозорининг ажралмас қисми ҳисобланади. Суғурта фондлари маблағлари асосий инвестиция маблағлари ҳисобланади. Суғурта ташкилотлари фаолиятини давлат томонидан кучли тартибга солинади, чунки унинг ижтимоий ва иқтисодий аҳамияти жуда катта бўлади.